

## Камончилар қўмондони



11:00 / 28.01.2021 2384

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

عَبَّحْنٰ اِضْرَاقَ نُّمٍ مُّهِمَّ فِى هٰىلَعَلَّ اِوْدَهَاعِ اِمٍ اُوْقَدَصُ لَاجِرَنِ يَنْمُؤْمِلِ اِنَّمِ  
اَلْيَدْبَتِ اَوْلَدَبِ اِمٍ وَّ رَطَاتَنِ يَنْمٍ مُّهِمَّ وَّ

**«Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Бас, улардан назрига вафо қилгани бор. Улардан интизор бўлиб турганлари бор. Улар бирор нарсани алмаштирмадилар»**  
(Аҳзоб сураси, 23-оят).

Содиқ саҳобаи киромлар уруш пайтларида орқага чекинмасликка, майдондан қочиб кетмасликка, балки ўз жойида, душман қаршисида собит туришга ваъда берган эдилар. Улар ана шу ваъдаларига содиқ қолдилар. Шунингдек, улардан кейин келган тобеинлар, табаъа тобеинлар, солиҳ мўминлар Ислом учун жонларини бериш, бу йўлда молу жонларини фидо қилиш борасидаги аҳдларига содиқ қолиб, ўша аҳдларига вафо қилдилар.

Аҳдига содиқ қолган инсонлардан бири Абдуллоҳ ибн Жубайр розияллоҳу анҳудир.

Абдуллоҳ ибн Жубайр розияллоҳу анҳу Бану Саълаба ибн Амр ибн Авф ибн Авс уруғидан бўлиб, етмиш нафар саҳобалар билан Ақоба байъатида, Бадр ғазотида ва Уҳуд ғазотида қатнашганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд ғазотида у кишини Айнайн тоғидаги 50 нафар камончиларга амир этиб тайинладилар. Бугунги кунда бу тоғ «Жабалур румот» (Камончилар тоғи) деб аталади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга «Жойингизда туринглар! Орқа қанотимизни ҳимоя қилинглар! Агар бизнинг ўлжа олаётганимизни кўрсангиз ҳам, бизга шерик бўлманглар. Агар бизнинг ўлдирилаётганимизни кўрсангиз ҳам, бизга ёрдам берманглар. Жасадимизни қуш еяётганини кўрсангиз ҳам, (жойингиздан жилманглар!)» дедилар.

Аммо улар жангнинг бошида мусулмонлар ғалаба қозонганларини кўрганларида, баъзи камончилар баъзиларига «Бу ерда туриб нима қиласизлар? Аллоҳ душманни мағлуб этди. Биродарларингиз билан бирга ўлжалардан олинглар» дейишди. Сўнг ўз жойларини тарк этдилар ва ўлжа йиғиш учун пастга тушдилар. Ибн Жубайр розияллоҳу анҳу уларни қайтаришга уриндилар, уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини эслатдилар. Лекин улар тоғда қолишдан бош тортдилар.

Тоғда ўнтага етмаган саҳобалар қолишди. У пайтларда ҳали Исломни қабул қилмаган Холид ибн Валид тоғ устида озчилик қолганини кўриб, отини улар тарафга йўналтирди. Ортидан ҳали Исломни қабул қилмаган Икрима ибн Абу Жаҳл эргашди. Тоғ устида турган саҳобалар ўзлари томон келаётганларга камондан ўқ узишди. Абдуллоҳ ибн Жубайр розияллоҳу анҳу уларга ўқ отдилар, ҳатто ўқлари тугади. Найзалари билан қаршилиқ кўрсатдилар, ҳатто найза ҳам синди. Сўнг қилич билан жанг қилдилар, охири у кишини ва тоғдаги барча саҳобаларни шаҳид этишди.

Аввало Аллоҳ таолонинг қазо ва қадари, қолаверса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига итоатсизлик сабаб ғалаба мағлубиятга айланиб, кўп қурбонлар беришга сабаб бўлди.

«Аллоҳнинг арслони» лақабини олган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу, Ислом элчиси, Мадинадаги Авс ва Хазраж қабилаларининг мусулмон бўлишларига сабаб бўлган даъватчи Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва кўплаб саҳобалар

шу жангда шахид бўдилар.

Аллоҳ таоло барча содиқ саҳобалардан рози бўлсин!

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***